18
RESPUBLIKA MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 7 IYUN ◆ PAYSHANBA ◆ № 65 (26.767)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ГУУАМга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ялта саммитида иштирок этиш учун Украинага жўнаб кетди

ПРЕЗИДЕНТ ЯЛТАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

1996 йили Венада Грузия, Украина, Озарбойжон ва Молдова давлатлари раҳбарлари учрашиб, икки томонлама ва минтақавий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш мақсадида ўзига хос тузилмага асос солган эди. 1999 йил апрель ойида Ўзбекистон ҳам унга қўшилди ва тузилма уюшган давлатларнинг номидан олинган бош ҳарфлар асосида ГУУАМ деб юритила бошланди.

Тузилманинг асосий мақсади минтақавий ҳамкорлик доирасида Осиё-Кавказ-Европа транспорт йўлагини ривожлантириш, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришдир.

Давлатимиз раҳбари Ялтага жўнаб кетиш олдидан журналистларга берган интервьюсида бу ҳақда, жумладан, шундай деди:

— ГУУАМ ҳали амалда тўла қарор топмаган, бошқарув тизимига эга бўлмаган тузилмадир, — деди Президент. — Шу сабаб ҳозир ҳам ГУУАМ қанақа ташкилот ўзи, унинг мақсад-вазифалари нималардан иборат, аъзо давлатлар учун қандай фойдаси бор, қабилидаги саволлар қулоққа чалиниб туради.

Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, ГУУАМ — Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эга тузилма. Чунки мамлакатимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири — дунё бозорига чиқиш. Бунда бизга, аввало коммуникация ва маҳсулотимизни жаҳонга олиб чиқишимиз учун кам харажат талаб қиладиган йўл керак. Туркманистон орқали Сарахса, ундан Машҳад ва Форс кўрфазига чиқиш ёки Каспий денгизи орқали Бокуга, ундан Грузияга ва Қора денгиз орқали Греция, Болгария, Туркия, Руминия томонларга элтадиган сув йўлидан фойдаланиш бизга анча арзонга тушади. ГУУАМдаги ўзаро ҳамкорлик ана шундай мақсадларимизни амалга оширишимизга хизмат қилади.

Ялта саммитида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир айрим масалалар муҳокама этилиши, бир нечта ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда. Жумладан, Эркин савдо зонаси тўғрисида битим, Консуллик масалаларида ўзаро ёрдам тўғрисида конвенция ҳамда ГУУАМ Ахборот офиси тўғрисидаги муваққат низом имзоланиши режалаштирилган.

■ **Ғ.САЙДУЛЛАЕВ,**
ЎзА мухбири

ПРЕЗИДЕНТ — ЯЛТАДА

6 июнь. Ялта. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Шу куни Президент Ислом Каримов Ялтага етиб келди.

Давлатимиз раҳбари аэропортда Украина оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида Ўзбекистон ГУУАМ хартиясига қўшилажагини маълум қилди.

Оқшом саммитга ташриф буюрган олий даражали меҳмонлар шарафига Украина Президенти томонидан расмий қабул маросими уюштирилди.

Саммит доирасидаги асосий тадбирлар эртага бўлиб ўтади.

ЖАРҚЎРҒОН ТУМАНИ ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Сизларни давлатга ғалла сотиш бўйича шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Сиз — жарқўрғонлик миришкорларнинг бу йилги қурғоқчиликка қарамай, мавжуд 8706 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиб, 21 минг 592 тонналик ғалла хирмони бунёд этганингиз таҳсинга сазовордир.

Эришилган бу ғалаба, аввало, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида катта ишлар қилинаётгани, ер ўз эгасини топиб, деҳқонларда манфаатдорлик ҳисси кучайиб бораётганининг самарасидир.

Айниқса, серҳосил ғалла навларининг танлаб экилгани, агротехникавий тадбирларнинг вақтида ўтказилгани, ўрим-йиғимнинг юксак уюшқоқлик билан ташкил этилгани ишга янгича муносабат қандай ижобий натижаларга олиб келишини кўрсатади.

Сизларнинг режага қўшимча равишда давлатга 2000 тонна ғалла топширишга қарор қилганингиз мард ва танти Жарқўрғон аҳлининг олижаноб фазилатларидан яна бир далолатдир, десак асло муболаға бўлмайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизларни — туман ғаллакорларини, ҳайдовчи ва мутахассисларни, барча меҳнаткашларни бугунги меҳнат ғалабангиз билан яна бир бор қутлар эканман, ҳаммангизга мустаҳкам соғлиқ, оилаларингизга файзу барака, юртимиз фаровонлигини ошириш йўлидаги хайрли ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

СИМ ОРҚАЛИ СУҲБАТ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДЎСТИ — МЕНИНГ ҲАМ ДЎСТИМ

Бизда иш вақти бошланган. Доғистонда ҳали тонг эди.

Дунёга машҳур шоир Расул Ҳамзатов билан телефонда боғландим.

Салобатли овоз:

— Салом, Тошкент! Хурсандман, Сиз билан гаплашаётганимдан. А? Газетадан? Қайси газет? «Ўзбекистон овози». Яхши, Ўзбекистонда қандай янгиликлар? Дўстларимнинг соғлиғи қандай?

Шоир тўхтаб-тўхтаб сўзларди.

— Ёз бошланди. Иссиқ. Мевалар пишди, — дедим.

— Биламан. Ўзбекистонда мева кўп. Сўлим диёр.

— Худога шукр! Осойишталик. Барча дўстларингиз салом йўллашаяпти. Сизни ўзбек халқи яхши танийди. Ҳурмат қилади. Ҳатто, халқимиз орасида машҳур бўлиб кетган қўшиқларингиз ҳам бор.

— Ўзбекистонни, биродарларимни соғинаман. Қўмсайман. Одамохун, кўнгли дарё халқ ўзбеклар. Тошкентга бормаганимга 20 йиллар бўлди. Ажойиб шаҳар.

— Тошкент бугун янада чиройли бўлди. Дунёнинг катта шаҳарлари билан бўйлашаяпти.

— Оҳ, зўр! Яшанг! Дунё билан тенглашмоқ керак. Инсонлар бир-бирлари билан биродар, елкадош бўлиб яшашлари зарур. Озодлик улуғ тушунча. Севги, меҳр инсониятни боғлаб туриши лозим. Ўзбеклар ўз қардошлари, томирдошлари билан аҳил яшашга интиладиган, ўз томирини англаган миллат. Бу яхши. Ана шу туйғу яшнасагина миллатнинг кучига куч қўшилади.

— Ҳозир қандай юмушлар билан бандсиз?

— Тобим йўқ. Инфаркт бўлдим. Хўш, ўзингиз нима иш қиласиз, нима ёзасиз, демоқчиман.

— Мен бир ҳаваскорман...

— Майли, қайси мавзуда ёзасиз?

— Шеър... кейин прозада ҳам у-бу ишларим босилди. Уруш мавзусида.

— Ёшингиз неччида?

— Ўттиз учда.

— Унда «сен» дейин. Хўш, муҳаббат мавзусида ёзгин. Муҳаббат ёниқ туйғу. Прозада ҳам муҳаббат мавзусида ёзиб кўр-чи.

— Ўзбекистоннинг қайси жойларида бўлгансиз?

— Ҳамма жойида. Фарғона водийсида, Хоразм, Бухоро, Самарқандда... Ўзбекистонда жуда кучли шоирлар бор.

— Демак, бизнинг тоғларимизни кўрган экансиз.

— Дарёларинг, тоғларинг, боғларинг... бари-барини биламан. Сенга бир илтимос қилсам, майлими?

— Бемалол.

— Чирчиқ шаҳрида турналарнинг ҳайкали бор. Жуда ажойиб ишланган. Шунинг суратини менга юборолмайсанми? Шуни жуда орзу қиламан.

— Юбораман.

— Раҳмат, ўғлим. Кам бўлма. Хўш, театрларнинг аҳволи қандай?

— Яхши. Бу борада катта ишлар қилинаяпти. Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри жаҳоний кўринишда таъмирланмоқда. Янги пьесалар барча театрларда қўйиляпти. Вилоятларда ҳам яхши асарлар саҳналаштирилаяпти. Кўз тегмасин, бизда санъатга эътибор баланд.

— Яхши. Бу яхши. Кучли шахслар шаклланиши учун ҳар қайси давлатда санъат ва адабиёт равнақ топиши лозим. Президент Ислом Каримов бу йўлни маҳкам тутиб, қўлдан бермаётганидан хабардорман. У жудаям кучли шахс. Етук арбоб. Салом айт. Ҳамма дўстларимга салом де!

— Расул оға, ижодкор учун муҳим хислат нима деб ўйлайсиз?

— Чидам. Бардош. Ижодда ғалаба ва мағлубият ёнма-ён. Мағлубият чоғида бардошли бўл. Тафаккур ғалабаси, муҳаббат ғалабаси, туйғулар ғалабаси учун жуда кўплаб мағлубиятларга дош бериш керак.

— Тушундим.

— Дарвоқе, ҳозир ҳамма ерда ҳам «таржима мактаби» тугади. Ўзбекларнинг ҳам сара китоблари қўлимга тегмаяпти. Мен таржима мактабининг жонланишини жуда-жуда хоҳлайман. Адабиёт қудратли куч.

— Расул оға, суҳбатимиз якунида кўнглингиздаги гапларни эшитсам.

— Тинчлик. Севги. Биродарлик. Инсонийлик. Ўзбекистон Марказий Осиёда равнақ топган гўзал юрт. Чунки унинг улуғ маданияти бор. Улуғ санъати бор. Мен Ўзбекистондаги ҳар бир киши шахс бўлиб етилиши, шахс бўлиши тарафдориман. Ўзбекистон ўз дўстларига нимани тиласа, мен ҳам шуни тилайман. Ўзбекистон душманларига нимани тиласа, мен ҳам шуни тилайман. Ўзбекистоннинг дўсти — менинг ҳам дўстим.

— Сизга катта рахмат.

— Сенга ҳам. Тез-тез қўнғироқ қилиб, йўқлаб турсанг, хурсанд бўламан.

■ **Суҳбатдош:**
Қўчқор НОРҚОБИЛ

ЮРТИМИЗ САРҲАДЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Шу кунларда Сурхондарё вилоятининг тоғли туманларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари режаси асосида уюштирилган ҳарбий-ўқув машғулотлари давом этмоқда. У чиқиш қийин бўлган тоғли ҳудудларда қидирув-разведка ҳаракатлари олиб боришни такомиллаштиришга бағишланган. Жанговар машқларда Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари ва Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг махсус бўлинмалари иштирок этяпти.

Ҳарбий-ўқув машғулотларини ўтказиш учун махсус штаб ташкил этилган, деб хабар қилади жанговар машқлар давом этаётган ҳудуддан ЎзА махсус мухбири Анвар КАРИМОВ. Машқларга Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби бошлиғи, генерал-полковник Тўлқин Қосимов раҳбарлик қилмоқда.

Машқларни ўтказишдан асосий мақсад, биринчидан, бўлинмаларни қидирув-разведка ишлари ўтказишга, жиноятчи тўдалар ва террорчи гуруҳларни ўраб олиш ҳамда йўқ қилиш ҳаракатларига ўргатишдан иборат.

Иккинчидан, қўмондонлик таркибининг операция вақтида кучлар ва воситаларни бошқаришини таъминлаш, бўлинмаларнинг ўзаро алоқаларини ташкил этиш борасидаги ҳарбий кўникмаларини янада мукаммаллаштиришдан, ва ниҳоят, ўқув машғулотлари ўтказилаётган ҳудудни атрофлича ўрганишдан иборат.

Машғулотлар уч босқичда ўтказилади. Бўлинмалар ҳарбий машғулотлар бўлиб ўтадиган ҳудудни ўрганади, қидирув-разведка ҳаракатларини олиб боради ва машғулот сўнгида ҳудудни тарк этиш амалини бажаради.

Ўтиш қийин бўлган ҳудудларда олиб борилаётган машғулотларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, жанговар машқларда асосан шартнома асосида хизмат қилаётган ҳарбийлар иштирок этмоқда. Уларнинг мардонавор ҳаракатлари, замонавий ҳарбий техника воситаларидан моҳирлик билан фойдаланаётгани таҳсинга сазовордир.

Айни пайтда Мудофаа вазирлигининг махсус бўлинмалари машқларнинг биринчи босқичини якунлади. Улар белгиланган шартли зоналарни эгаллаб бўлди. Ушбу босқичда қўшинлар муайян ҳудудни эгаллаб, бу ерда бошқарув пунктлари ташкил этади. Шунингдек, қўриқлаш постлари ўрнатиб, кейинги ҳаракатларга тайёргарлик кўради.

Полковник Александр Кияевнинг сўзларига қараганда, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг махсус бўлинмалари эса айни пайтда ўзлари масъул бўлган зоналарни эгаллашга киришган. Гап шундаки, Мудофаа вазирлиги бўлинмалари эгаллаши зарур бўлган зоналар барча қўшинлар операция бошлайдиган олдинги маррага яқин ерда жойлашган. Шу сабабли улар ўз марраларини бошқа бўлинмалардан олдинроқ эгаллади.

Ички ишлар вазирлиги ва чегара қўшинларининг ҳарбийлари ҳам ўзлари масъул бўлган шартли зоналарни «қўлга киритгач», машғулотларнинг навбатдаги босқичи бошланади.

■ **(ЎзА)**

■ Владимир ПАНОВ олган сурат

ОЧИҚ ГАПЛАР

ОТ ЧОПСА ГУМБУРЛАР ТОҒНИНГ ДАРАСИ

ЁКИ ҚОРАБАЙИР ОТЛАРНИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ ХУСУСИДА

Маълумки, от инсонга энг кўп фойдаси тегадиган, узоғини яқин, оғирини енгил қиладиган жонивор. Инсоннинг содиқ дўсти. Халқимиз «Отнинг ёлида бўрон яшайди, туёғида чақмоқ чақнайди, қанотида яшин шиддати бор», дея бежиз айтмаган.

Кейинги йилларда отлар парваришига эътибор бермай қўйганимиз катта хатолик бўлмоқда, назаримда натижада отлар бош сони қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликларида камайиб бормоқда.

Хўш, отлар бу қадар маҳкумликка ва хор бўлишга арзийдими? Бизнингча, йўқ. Уларнинг, биринчидан, транспорт ва иш бажарувчи сифатидаги ўрни бутунлай йўқолиб кетган эмас. Ҳозир ҳам қишлоқларда, айниқса, тоғли ҳудудларда унга талаб катта. Чўпон-чўлиқлар кенг яйловларда, қир-адирларда отсиз чорва молларини боқа олмайдилар.

Отларнинг иқтисодиётимиздаги ўрни ҳам муҳимдир. Афсуски, биз буни унутиб қўймоқдамиз.

Эътибор беринг, битта биядан йилига 2500 килограммдан сут соғиб олиш мумкин. Бу сут витаминларга, аминокислоталарга бой. Қорабайир сутидан тайёрланган қимиз шифохоналарда беморларга меъёрида берилса, беморнинг даволаниш жараёни тезлашади. Болаларимиз қимиз истеъмол қилиб юрсалар соғлом ва бакувват бўлиб ўсадилар-ку!

Шаҳарларда қимизли барлар очилса, ёшлар героин ва қора доридан йироқ юришадими балки. Бунинг учун ишбилармонларнинг қимиз ва қази ишлаб чиқарувчи хўжаликларга ҳомийлигини ташкиллаштириш лозим.

Бия бир кунда саккиз маротабагача соғилади. Биянинг сут безлари қаттиқ ва кучли. Уни тезлик билан соғиш керак. Шунинг учун бия соғишга йигитларни таклиф қилиш мақсадга мувофиқдир. Натижада хўжаликларда бир неча юз нафар йигит иш билан таъминланади.

Йилқичиликнинг фойдали томонлари бўлишига қарамай, афсуски, бу соҳа йилдан-йилга унутилиб бориляпти. Масалан, 1996 йил 1 январь ҳолатига кўра республикамизнинг қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликларида 62500 бош от бўлган бўлса, 2001 йил 1 январга келиб 44000 бош қолди ёки 5 йил ичида 22500 бошга, қарийб 30 фоизга камайди. Хоразмда бир бош ҳам камаймаган ҳолда, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Тошкент вилоятларида 8-15 фоизга камайган бўлса, Наманганда 59, Қорақалпоғистон — 4000 бошга ёки 40 фоизга, Фарғонада — 40, от заводи бўлган Жиззахда — 36 фоизга камайиб кетди.

Халқимиз отнинг қаноти бор, сувда оқмайди, ҳар қандай шароитда ҳам сувдан сузиб чиқади, дейишади. Ҳақиқатдан ҳам, иккинчи жаҳон уруши даврида отлиқ армиялар каттакатта дарёлардан сузиб ўтиб, ёвдан ғолиб бўлган. Лекин чўл шароитига мослашган айрим туманларда отлар сувга оқиб ўлди, деб хўжалик ҳисоботидан чиқарилмоқда. Бу салбий ҳолатга қандай изоҳ бериш мумкин?!

Жиззах вилоятидаги 76-сонли от заводи қорабайирнинг донғини дунёга кўрсатган-ку, нима учун бугунги кунда Жиззахда аҳвол яхши эмас. Қорақалпоғистонда от кўпайтириш учун шароит яхши бўлишига қарамасдан йилдан-йилга камаймоқда. Бизнингча, бу хўжасизлик, масъулиятсизлик ва боқибеғамликдан бошқа нарса эмас.

Йилқичилигимизнинг асосини «Қорабайир» зотли отлар ташкил қилади. Ургут қорабайир отлари йирик бўлиб, «Кўк каптар» тизимидан тарқалган. «Кўк каптар» лақабли айғир эса «Оловхон» лақабли айғир билан «Абдукарим» бойбича лақабли биядан олинган. Қулуни очиқ кўк рангли бўлганлиги учун унга шу ном берилган. Қорабайир отининг йириклари асосан Самарқанд ва Жиззах вилоятларида қисман урчитилмоқда.

Қорабайир оти халқимизнинг фахри ва миллий ифтихоридир. Бу зотнинг ўзи ҳам халқ селекцияси билан яратилган. Зотли отлар Ўзбекистоннинг иқлим шароитига мослашган бўлиб, унинг гўшти ва қимизи тўйимлидир, ишчанлиги ва чопқирлигига таъриф йўқ.

Ўзбекистонда миллий ўйинлар ва байрамлар отлар билан файзли ўтади. Анъанавий миллий халқ ўйини — кўпкарида қорабайирларнинг ўрни бўлакча. Ҳа, қорабайир беназир от.

Республикамизда отга меҳр қўйган кишилар кўп. Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги от ишқивози бўлган жонкуяр раҳбар Қўчқор Тўйчиев отнинг хосияти ҳақида тўлқинланиб гапиради. Шу тумандаги чавандоз Тожибой Султонов раҳбарлик қилган хўжалик «Қорабайир» дея номланган.

Яқин-яқинларгача ҳам Самарқанд вилоятидаги наслчилик хўжаликларига Жиззах вилоятидаги 76-сонли отчилиқ заводидан наслли айғирлар келтирилиб, биялар уруғлантирилган. Бундан ташқари, Сазаган, Пангат хўжаликларида шифобахш қимиз ишлаб чиқарилиб, халқимиз дастурхонига чиқарилган.

Ҳозирги вақтда бу эзгу иш батамом унутилди. Аввал республикамизда қорабайир зотли отлар бошқа чет давлатларга валютага сотилган. Афсуски, эътиборсизлик, масъулиятсизлик наслли қорабайирларимиз бошига етмоқда.

Лекин ҳали ҳам кеч эмас. Биргалашиб имконият қидирсак қорабайирларни сақлаб қолиш у ёқда турсин, уларни кўпайтиришга ҳам қурбимиз етади. Шунда отларимиз қанотида Ўзбекистон шуҳрати хорижий мамлакатларга учади. Қази еган, қимиз ичган сайёҳ яна шу таомни қўмсаб ўлкамизга келади.

Пахтачиликка ихтисослашган туманлардаги отлар бир жойда боқилмоқда. Бу отнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Яйловларда яйратиб боқилмаган от орик, насли паст бўлади. Кўп ҳолларда биялар бола ташлаб қўймоқда. Натижада отга қизиқувчилар соҳани тарк этмоқдалар. Соҳада ишни яхшилаш учун бизнингча, қуйидагиларни амалга ошириш керак:

Биринчидан, «Кўк каптар» қорабайир зотли йирик отлар ватани Самарқанд бўлганлиги учун шу ерда ушбу тур отларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш дастури ишлаб чиқилиши лозим.

Иккинчидан, мавжуд биялларнинг наслли бия эканлигини тасдиқловчи барча ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ҳар бир уюрга энг яхши айғирларни биркитиш ишига Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институти олимлари жалб этилиши лозим. Шу асосда энг яхши гуруҳлар танланиши даркор.

Учинчидан, республикамиз вилоятларидаги отчопарларга шу вилоятнинг наслчилик хўжаликларидан камида 20-30 бош ёш эркак тойларни давлат стандарти бўйича танлаб олиб, ҳамма ўйинларда қатнаштириб, уни валютага сотишни ташкил қилиш керак.

Тўртинчидан, барча пахтачилик туманларидаги биялларни тоғ олди хўжаликларига бериб, уларни зотли айғирлар билан уруғлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Хўжаликларда элита рекорд айғир ва биялларни етиштириш ташкил қилинса, «Қорабайир» зотли отларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш имконияти вужудга келади.

Бешинчидан, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ва республика отчопарида йилқичилик мутахассислигига ихтисослаштирилган курслар очилиши лозим.

Ушбу таклиф ва истаклар амалга оширилса, ота-боболаримиздан қолган тарихий мерос — қорабайирларни бутунлай йўқолиб кетишдан асраб қоламиз.

■ **Суннат КЎБАЕВ,**
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди,
Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ва «Халқ бирлиги» ҳаракати вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда, вилоят Давлат солиқ бошқармасида маданий-маърифий тадбир ўтказди. Унда сўзга чиққан ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Ф. Омонов, «Халқ бирлиги» ҳаракати вилоят кенгаши раиси, тарих фанлари доктори, профессор М. Худойқулов мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари ҳамда моҳияти ҳақида фикр юритдилар.

* * *

Ўзбекистон ХДП Ёзёвон туман партия кенгашининг навбатдаги пленумида мазкур ташкилотнинг Ўзбекистон ХДП МК III пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама этилди. Шунингдек, пленумда ташкилий масала кўрилди: Минавар Бойматов Ўзбекистон ХДП Ёзёвон туман кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Учқўрғон тумани кенгаши пленумида «Ўзбекистон ХДПнинг янги таҳрирдаги Низоми ва Дастури асосида бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти тўғрисида»ги масала атрофлича муҳокама этилди ҳамда халқ депутатлари Учқўрғон туман Кенгашининг депутати О.Тошпўлатовнинг депутатлик фаолияти юзасидан, ахборот тингланди.

* * *

ХДП Самарқанд шаҳар кенгаши партиядан сайланган депутатлар фаолиятини «Депутатлар клуби» орқали мувофиқлаштириб, улар эътиборини долзарб муаммолар ечимини топишга қаратмоқда. Жумладан, мазкур клубнинг «ЎзБАТ» қўшма корхонаси негизида ўтказилган йиғилишида, ХДПдан сайланган халқ депутатлари вилоят ва Самарқанд шаҳар Кенгашлари депутатлари замонавий ишчилар сафини кенгайтириш, уларнинг иш жойларини янги технологиялар билан жиҳозлаш, малакасини ошириш, вилоятдаги экологик, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, «Фарҳод» қўрғончасини ободонлаштириш масалалари бўйича, аниқ ишлар мўлжаллаб олинди.

* * *

ХДП Тошкент вилоят кенгаши вилоят партия ташкилоти тафтиш комиссияси билан ҳамкорликда Қибрай тумани партия кенгаши негизида шаҳар ва туман кенгашлари ҳисобчилари билан минтақавий семинар ўтказди. Унда вилоят партия ташкилоти тафтиш комиссиясининг раиси Т.Умаров, «Партия ташкилотлари моддий аҳволини мустаҳкамлаш масалалари тўғрисида» маъруза қилди. Семинар иштирокчилари молиявий интизом, партия аъзолик бадалларини ўз вақтида тўплаш, бухгалтерлик ҳисоби масалалари хусусида тажриба алмашдилар. Йиғилиш жараёнида амалий ўйинлар ташкил этилди, «Лимончилик» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти фаолияти билан танишилди.

* * *

Мазкур вилоятдаги барча шаҳар ва туман ташкилотлари 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан вилоят ҳокимлиги томонидан ўтказилган шанбаликда фаол иштирок этиб, ундан тушган маблағларни «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказдилар.

* * *

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ўтказилган тадбирларга ҳомийлар сифатида партия фаоллари — раҳбарлар, тадбиркорлар, депутатларни жалб этди. Жумладан, Қарши шаҳридаги «Наврўз» чойхонасида болалар учун ўтказилган байрам шодиёнасига ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши аъзоси, тадбиркор Гулчеҳра Примқулова ҳомийлик қилди. Мазкур шодиёнада 100 дан ортиқ ўғил-қизларга турли-туман совғалар улашилди.

Тадбиркор Н. Зайниев ушбу айём муносабати билан 100 нафар болага совғалар ҳамда «Мурувват уйи»га озиқ-овқат маҳсулотларини тортиқ этди.

«Шаҳрисабзконсерва» ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти раиси, Олий Мажлис депутати Н. Исмоилов томонидан ҳам болалар боғчаларига турли хил ўйинчоқлар, қандолат маҳсулотлари совға қилинди.

«Таллимаржон ГРЭС» қурилиши маъмурияти кўп болали оилалар фарзандларига дам олиш оромгоҳларига йўлланмалар ва эсдалик совғаларини топширди.

* * *

ХДП Наманган вилоят кенгаши «Болалар» жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда Давлатобод туманидаги 6-сонли ногирон болалар уйи тарбияланувчиларига кийим-кечак ва спорт анжомлари ҳадя этди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши «XXI аср — баркамол авлод асри» рукни остида истеъдодли ва иқтидорли болалар расмлари кўригини ўтказди.

* * *

ХДП Янгиобод, Пскент, Марҳамат туман кенгашлари туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан туман марказий касалхоналарида даволанаётган болаларга совғалар топширдилар. Шунингдек, ХДП Марҳамат туман кенгаши 15 нафар ўғил-қизларнинг мучал тўйларини ўтказиб берди.

* * *

ХДП Данғара туман кенгаши ҳам Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан 85-мактаб-интернатда тарбияланаётган 25 нафар ногирон болаларнинг мучал тўйини ўтказди ҳамда тумандаги 400 дан ортиқ болаларга совға-саломлар улашди.

* * *

ХДП Ангрен шаҳар партия кенгаши ушбу санага атаб «Меҳрибонлик уйи»да «Шоу балет юлдузлари» ва «Шанс» гуруҳлари иштирокида, байрам концертини ташкил этди.

* * *

ХДП Андижон шаҳар ва Зарбдор туман кенгашлари ҳам маҳаллий ҳокимликларнинг маданият бўлимлари билан ҳамкорликда кўп болали оилалар учун байрам дастурхони ёзиб, концертлар уюштирдилар.

* * *

Фарғона, Олмалиқ шаҳарлари ва Марҳамат туман партия кенгашлари болалар ўртасида «Онажоним суратини чизаман» мавзуида ўтказилган расм кўрик-танлови ва «Соғлом авлод ғунчалари», деб номланган, спорт мусобақаларига ҳомийлик қилдилар.

* * *

ХДП Фарғона туман кенгаши ташаббуси билан Қирғизистон Республикаси Боткен вилояти Қадамжой шаҳарчасидаги «Дюймовочка» ва Фарғона тумани Водил қишлоғидаги «Юлдузча» номли болалар боғчаси тарбияланувчилари учун «Болалар шодлиги — Ватан осойишталиги» мавзуида ўтказилган тадбирда кичкинтойларнинг икки миллат қўшиқ ва рақслари ҳамда спорт ўйинларини намойиш этдилар.

* * *

ХДП Бўстонлиқ, Пскент туман кенгашлари эса болалар боғчалари ва интернатларга моддий ёрдам кўрсатдилар.

* * *

ХДП Учқўрғон туман кенгаши «Бинафша» номли 23-махсус болалар боғчасида даволанаётган 22 нафар кичкинтойларга Халқ банки туман бўлимида улар учун очилган омонат дафтарчаларини топширдилар.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига аталган бундай тадбирлар Ўзбекистон ХДПнинг барча шаҳар ва туман партия кенгашлари томонидан ўтказилди.

* * *

ХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши шаҳардаги ўқув юртлари талабалари учун «Ёшлар, миллий истиқлол ғояси, мустақиллик» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказди. Анжуман иштирокчилари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессорлари Т.Норбоев ва Р.Фармоновлар маърузаларини катта қизиқиш билан тингладилар.

* * *

ХДП Янгиер шаҳар ва Чортоқ туман кенгашлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилаётган сайловларда фаол қатнашиб, етакчиликка муносибларнинг муносибини танлашга, ушбу сайловларнинг ошкоралиқ, муқобиллик асосида ўтишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

* * *

Бўстонлиқ туманидаги «Озотбош» ҳудудий бошланғич партия ташкилотида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан «Янгича ишлаш, фаоллик, ташаббускорлик — ютуқлар .гарови!» мавзуида ягона кун тартибидаги очиқ партия мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда шунингдек, Ўзбекистон ижодкор зиёлилари, фан ва маданият намояндаларининг, жорий йил 26 май куни мамлакат жамоатчилигига «Барчамиз бурчлимиз» номи билан йўлланган, мурожаати мазмун-моҳиятини фуқароларга тушунтиришда иштирок этиш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

* * *

Мазкур туман партия кенгаши туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида диний экстремизм ва ақидапарастликка қарши кураш масалалари юзасидан мулоқот ўтказди.

* * *

«Сирдарё электртармоқлари» корхонаси бошланғич партия ташкилотида «Бизнинг ҳаёт» газетаси чоп этилаётганига 10 йил тўлди.

Шу вақт давомида газетага партия аъзоси Пётр Жилкин узлуксиз муҳаррирлик қилиб келмоқда. Саҳифаларидан ишчи ва хизматчиларнинг ижобий тажрибалари, партия ҳаётига ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига оид, шунингдек, корхонадаги камчиликларни бартараф қилиш тўғрисидаги мақола, фельетон, репортаж, фотосуратлар жой олган мазкур газета ўзининг мазмундорлиги, янгиликларга бойлиги билан ажралиб туради ва ишчи ҳамда хизматчилар орасида шуҳрат қозонган.

Ушбу бошланғич партия ташкилоти негизида туман партия кенгаши қатор семинарлар ўтказиб келмоқда.

* * *

ХДП Андижон шаҳар кенгаши шаҳар ҳокимлиги халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган «Энг яхши мураббий» ва «Энг намунали ўқувчи» кўрик-танловларининг ғолибларига эсдалик совғалари топширди.

* * *

Олтинкўл туман партия кенгаши ва туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликда «Трикотаж матолари» фабрикасида «Жамиятда аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари» мавзуида «давра суҳбати»ни ташкил этдилар. Унда туманда аёллар учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда бу борадаги мавжуд камчиликлар, ечимини топиш керак бўлган муаммолар юзасидан сўз юритилди.

Йиғилиш сўнггида ХДПга аъзо бўлиш истагини билдирган бир гуруҳ ёшларга партия билетлари топширилди.

* * *

ХДП Булунғур туман кенгаши қошида жорий йилнинг бошидан спорт ва соғломлаштириш маркази фаолият кўрсата бошлади. Унда спортнинг эркин кураш, ўзбек миллий кураши, теннис, шахмат-шашка, дартс, тош кўтариш турлари бўйича ёш спортчилар шуғулланмоқдалар. Улардан кўпчилиги вилоят мусобақаларида ғолиб бўлдилар, Фарғона шаҳрида ўтган «Саломатлик» республика спартакиадасида эса, спортнинг дартс тури бўйича биринчи ўринни эгалладилар.

* * *

ХДП Чироқчи туман кенгаши туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган «Қўшиқ байрами»ни ташкил этди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ҒАРОЙИБ МУСОБАҚА

Литвада турли-туман, баъзан ғайритабиий танловлар ўтказиб турилиши одат тусига кирган. Шундай ғаройиб танловлардан бири яқинда Каунас шаҳрида ўтказилди.

Ташкилотчилар мазкур танловни «Ўзбек паловини ейиш бўйича республика танлови» деб номлашди.

Танлов шартига кўра, энг қисқа муддатда ким кўпроқ ош тановул қилса, ўша ғолиб деб топилиши керак эди. «Чемпионат» шаҳарнинг энг дабдабали ресторанларидан бири «Сандия»да ўтказилди. Ўзбекистонлик моҳир ошпаз Абилжон Узоқов катта дошқозонда ош дамлади. Мусобақада олти нафар бўзбола йигитлар финалга чиқишди. Буни қарангки, улардан тўрт нафари талабалар бўлиб чиқди.

Изоҳнинг ҳожати йўқ, литвалик талабаларга ҳам унча осон эмас экан. Оч одамга «тренировка» на ҳожат. Хуллас, ошхўрликда Каунас ветеринария академиясининг тўртинчи курс талабаси Андрюс Мордайтисга ҳеч ким бас кела олмади. 3 дақиқа 48 сонияда у бир ярим килограмм ошни паққос туширди. Андрюс танлов ғолиби сифатида «мечкай-чемпион» дипломига сазовор бўлди.

Шунингдек, у бир ҳафта мобайнида «Сандия» ресторанида бепул ош ейишдек совринни қўлга киритди.

■ **«Туркистон-ПРЕСС»**

РЕЙТИНГИ ПАСАЙМОҚДА

Президент Жорш Бушнинг америкаликлар ўртасида рейтинги пасайиб бормоқда, деб хабар қилади Reters агентлиги.



Кейинги икки ойда уни қўллабқувватловчилар 8 фоизгача камайган.

Умумхалқ фикрини ўрганиш бўйича ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, аҳолининг 55 фоизи президент тарафида. Ҳолбуки, шу йилнинг апрелида бу кўрсаткич 63 фоизни ташкил қилар эди.

Тарафдорларнинг кўпчилиги Бушнинг ташқи сиёсат, солиқ ва таълим соҳасидаги муваффақиятларига хайрихоҳ бўлса, ижтимоий суғурта, экология, энергетика ҳамда тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлари унга қарши овоз беришга сабаб бўлди. Айниқса, энергетика соҳасидаги қадамлари унга «нўноқ сиёсатчи» деган номни олиб келди.

Сўровноманинг партиялар бўйича хулосасига эътибор берадиган бўлсак, демократлар 42 фоизлик кўрсаткич билан олдинда. Республикачилар 40 фоиз. Бундан икки ой олдин республикачилар олдинда эди.

СЕССИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Венада нефтни экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК)нинг навбатдаги сессияси давом этмоқда.



Анжуманда ОПЕК фаолияти, хусусан, кундалик қазиб олинадиган «қора олтин» ҳажмини ошириш ёки оширмаслик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилаётир. Шунингдек, тадбир иштирокчилари Яқин Шарқ можароси ҳамда Ироқнинг четга нефть экспорт қилишни тўхтатиши масалаларига ҳам эътиборни қаратишган.

ФОЖИАЛИ ЎЛИМ

Хитойнинг жануби-шарқида жойлашган мактаб-интернатда чиққан ёнғин 3-4 ёшлардаги 13 нафар боланинг фожиали ўлимига сабаб бўлди.



Ҳалок бўлганларнинг 6 нафари қизлар. Ёнғин электр симларининг носозлиги оқибатида ўқувчилар айни ширин уйқуда бўлган паллада чиққан, деб хабар қилади Синьхуа ахборот агентлиги.

Қўшни уйдагиларнинг чақирувига асосан етиб келган қутқарувчилар атиги 3 нафар болани ёнғин ичидан олиб чиқишга улгуришди. Бир болакай ўзини ўзи қутқарган.

Ушбу мудҳиш воқеадан ота-оналар эрта тонгда воқиф бўлишди. Аҳолини тинчлантириш учун кўплаб полициячилар жалб этилган, ҳатто вилоят губернатори ташриф буюриб, кейинги пайтларда ота-оналар фарзандларини жуда эрта мактаб-интернатларга топшираётганлигидан куюниб гапирди.

ЯНГИ «ҚИЗИЛ КИТОБ»

Россия Табиатни муҳофаза қилиш вазирлиги Фанлар академияси билан ҳамкорликда «Кам сонли ҳамда йўқолиш арафасида турган ўсимлик ва ҳайвонот оламининг Қизил китоби»ни тақдим этди.

Ушбу «Қизил китоб» аввалгисига нисбатан уч баробар ҳажмлироқ бўлиб, 860 саҳифадан иборат. Китобга кўпгина ҳайвонот ва ўсимлик турлари киритилибгина қолмай, уларнинг ўрганилиш даражасига ҳам катта эътибор берилган. Китоб сут эмизувчиларнинг — 65, қушларнинг — 23, судралиб юрувчиларнинг — 21, амфибияларнинг — 8, балиқларнинг — 39, моллюскаларнинг — 49, бўғимоёқлиларнинг — 92 хил турини ўз ичига олган. Тез орада «Қизил китоб»нинг ўсимликларга бағишланган қисми ҳам чоп этилади.

Хатлар
Хатлар
Хатлар

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ: ЙЎЛОВЧИ ҲУҚУҚИНИ КИМ КАФОЛАТЛАЙДИ?»

«Ўзбекистон овози»нинг шу йил 15 май сонида мухбир Малик Мансурнинг «Муаммо, мулоҳаза, таклиф» рукни остида чоп этилган «Жамоат транспорти: йўловчилар ҳуқуқини ким кафолатлайди?» сарлавҳали мақоласи «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси тармоқ корхоналари раҳбарларининг шу йил 15 май кунги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинди. 16-17 май кунлари эса барча автокорхона ва деполарда муҳандис-техник ходимлар, ҳайдовчи ва чиптачилар иштирокида атрофлича муҳокама этилди.

Дарҳақиқат, мақолада кўтарилган муаммо — ҳайдовчи ва йўловчи ўртасидаги муомала маданияти жамоат транспортидаги хизмат маданиятининг асосини ташкил этганлиги сабабли Давлат уюшмаси раҳбарияти бу масалани доимо ўз назоратига олиб келмоқда.

Ўзбекистон телевидениесининг «Талаб ва таклиф» рукни остидаги ҳамда «Ахборот», «Давр», «Пойтахт» кўрсатувларида, «Тошкент студияси»нинг «Бевосита мулоқот» эшиттиришларида қилинаётган ишлар тўғрисида маълумотлар берилиб, йўловчиларнинг илтимос ва таклифлари инобатга олинган ҳолда йўналишлардаги камчиликларни тугатиш борасида чора-тадбирлар белгиланган.

Тармоқнинг барча бўлимларида йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатларини назарда тутган ҳолда ойлик иш ҳақи тўланиши қоидалари ишлаб чиқилган. Ҳозирги вақтда ҳайдовчи ойлик иш ҳақининг 30 фоизини тариф сеткаси ташкил этса, қолган 70 фоизини қўшимча ҳақлар, яъни ҳайдовчи устидан шикоятлар бўлмаса, йўналишга жадвал бўйича кечикмасдан чиққанлик учун, ҳаракат жадвалига қатъий риоя этиб ишлаганлик учун тўланадиган мукофот пуллари ташкил этади. Янги қоидаларга биноан, йўл-молия интизомини бузганлар имкониятдаги ойлик иш ҳақининг 1/3 қисмини ёки ундан ҳам камроқ оладилар. Янги қоидаларнинг жорий қилиниши ҳайдовчиларнинг йўналишларда интизомни кўтаришга, транспорт ҳаракати мунтазамлигини яхшилашга ва ўз навбатида хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга олиб келади.

2001 йилнинг 4 ойи давомида ташилган йўловчилар сони, ҳаракат таркиблари режага нисбатан 6 фоизга камайганлиги ва хусусий йўловчи ташувчиларнинг жалб этилганига қарамай, ўтган йилнинг шу даврига қараганда 8,5 млн. кишига (3 фоиз) ошди, яъни «тиғиз» соатларда ер усти транспортининг тиқилинчлиги кўпайди. Ер усти транспортининг эскирган ҳаракат таркибларининг ишлашини енгиллаштириш учун ҳамда кам таъминланган аҳолига қўшимча қулайлик яратиш мақсадида транспортнинг 4 туридан (автобус, троллейбус, трамвай ва метро) фойдаланиш учун ойлик йўл чипталарининг янги турлари жорий этилди. Натижада Тошкент метрополитенида ташиладиган йўловчилар сони бир кунда 90 минг йўловчига (27 фоиз) кўпайди.

Транспорт корхоналарининг, қолаверса, Давлат уюшмасининг ҳар бир йўналишидаги вакили этиб, йўналиш сардорлари тайинландилар. Йўналишда вужудга келган муаммони (ёки йўловчининг шикоятини) тезкор ҳал этиш учун йўналиш сардори ваколатлари белгиланиб, «Низом»га кўра тасдиқланди ҳамда ҳаракат воситаларига «Йўналиш сардори» деб ёзиб қўйилди.

Шуларга қарамай, мақолада келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, баъзи ҳайдовчиларнинг «хурмача» қилиқлари ишимизда камчиликлар ҳали мавжудлигидан, бу муаммоларни бартараф этиш учун тезкор чора-тадбирлар белгилашни тақозо этади. Ўтказилган текширувлар натижаси бўйича тармоқ корхоналаридаги 47 та ҳайдовчига интизомий жазо чоралари кўрилди. 115-йўналиш ҳайдовчилари К. Муродов, Б. Қодиров, 31-йўналиш ҳайдовчилари Т. Ҳамидхонов, Т. Фатхуллаев, М. Ниғматжоновлар йўналишдан четлатилди. 35-йўналиш сардори А. Абдуллаев сардорлик вазифасидан озод этилди.

Йўловчилар оқими гавжум бўладиган йирик бекатларда ўзбошимчалик билан белгиланган кўп туриб қолиш ҳоллари бартараф этиш юзасидан транспорт корхоналарининг тасарруф бўйича раҳбар ўринбосари ва ҳаракат хавфсизлиги муҳандисларининг мунтазам навбатчилигини ташкил этиш жадвали тузилиб, Давлат уюшмасининг масъул ходимлари томонидан унинг бажарилиши назоратга олинди.

Йўналиш нозимларига мукофот пули бериш қоидалари қайта кўриб чиқилиб, жарима ва маъмурий жазо чоралари белгиланди.

Ўтказилаётган текширишлар натижаси Давлат уюшмаси раҳбарияти бошчилигида транспорт корхоналари раҳбарлари иштирокида ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари биргаликда муҳокама қилиниб, йўналишлар иши сифатини яхшилаш борасида аниқ кўрсатмалар берилмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, шаҳар жамоат транспорти Тошкент шаҳрининг асосий қон томирларидан бири эканлиги ва кунига 2,5 млн. йўловчига хизмат кўрсатаётганлигини назарга олсак, мақолада кўтарилган муаммонинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини биламиз.

■ **«Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси бошқаруви раисининг ўринбосари Р. УСМОНОВ**

ШИКОЯТ

«ЎЗИГА ЎЗИ ҚАРШИ ЧИҚДИ-Я?!»

Менга чорвачилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш билан шуғулланишга рухсат берилганлиги ҳақида туман ҳокимининг 2000 йил 23 июнда Х-352/2-сонли қарори чиққан.

Мен кредит олиш учун барча ҳужжатларни тайёрлаб, «Тадбиркорбанк»нинг собиқ бошлиғи Х. Алиевга кетма-кет 21 маротаба учрашдим. У киши «Ҳужжатларингни қабул қилмайман, банкда пул йўқ» деб ҳужжатларимни қабул қилмади. Мен туман, вилоят ва республикадаги ҳуқуқий идораларга ёрдам сўраб мурожаат этдим. Бироқ негадир мурожаатим эътиборсиз қолдирилаверди. Шунда севимли газетамиз «Ўзбекистон овози»га арзнома йўлладим. Газетанинг 2000 йил 23 декабрь сонида «Пул йўқ эмиш...» сарлавҳали мақолам чоп этилди.

Ниҳоят газета аралашгач, ҳужжатларимни қабул қилишди. Шу орада банк бошлиғи ҳам ўз вазифасидан озод этилди. Банкка Т. Мўминов деган киши бошлиқ этиб тайинланди. Биз тадбиркорларнинг янги раҳбардан умидимиз катта эди. Афсуски, у киши менга шунчалик азоб бердики, кредит олишга аҳд қилганимга пушаймон бўлдим.

Т. Мўминов «Чорвачилик бўйича тузган бизнес режангиз бўлмайди. Вилоят ҳокимининг қарори билан бу соҳага кредит бериш тўхтатилган, бошқа соҳа, яъни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва сотиш бўйича бизнес режа тузиб, олиб келинг» деди. Мен эса у киши айтган соҳа бўйича бизнес режа тузиб, банкка тақдим этдим. Орадан 20 кун ўтгач, «Бу соҳадаги бизнес режангиз ҳам бўлмайди, яхшиси паррандачилик ни ривожлантириш ва пулли тегирмон хизмати кўрсатиш бўйича бизнес режа тузинг, кейин яхши бўлади» деди. Мен у киши айтган гап бўйича паррандачилик бизнес режаси тузиб топширдим.

Орадан анча вақт ўтгач, «Бу режангиз ҳам бўлмайди, яхшиси мевали дарахт кўчати, деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва сотиш бўйича бизнес режа тузинг» деди. Мен яна унинг айтганини қилдим. Ва бу ҳам ўтмади. «Бу режангиз ҳам бўлмайди, яхшиси ўзим сизга энг зўр бизнес режа тузиб бераман» деди ва ёғоч маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича бизнес режани ўз қўли билан тузиб, кредит йиғма жилдимга киритиб қўйди. Мен эса Т. Мўминовдан миннатдор бўлиб юравердим.

Бироқ миннатдорлигим узоққа чўзилмади, сабаби туман «Тадбиркорбанк» бўлимининг кредит-эксперт комиссияси 2001 йил 7 майдаги қарорида тақдим этилган бизнес режа амалдаги фаолиятга зид эканлиги ҳақида фикр билдирган.

Мени бир савол ўйлантирди: ахир «Сизга зўр бизнес режа тузиб бераман» деб бошлиқнинг ўзи тузган «зўр» режага ўзи қарши чиқишини қандай тушуниш мумкин?!

Энг ачинарлиси, кредит беришда таниш-билишчилик ва ошна-оғайнигарчиликнинг давом этаётганлиги. Бундан биз тадбиркорлар қаттиқ ранжимоқдамиз.

Мен Т. Мўминов тузган «зўр» бизнес режадан олдинги 3 та соҳа бўйича тузган режаларимдан бирига 3 йил муддатга 600000 сўм миқдорида банкнинг 24 фоизли кредит маблағидан қарз пули олишимга ёрдам беришингизни сўрайман.

■ **Ҳусан ИБРАГИМОВ, Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, «Бошчорбоғ» жамоа ширкат хўжалигида яшовчи якка тартибдаги тадбиркор**

МИННАТДОРЧИЛИК

ЗИЁРАТДАН КЎНГИЛ ТЎЛДИ

Қибрай туманининг бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийлари Самарқанд вилоятидаги Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасига зиёрат уюштиришдилар.

Туман ҳокими Саидхўжа Тошхўжаев зиёратчиларни ўзи кузатиб қўйди. Челак туман «Нуроний» жамғармаси раҳбарлари бизнинг вакилларимизни кутиб олиб, ўз меҳр-мурувватларини кўрсатдилар. Амир Темур мақбара комплекси, Регистон майдони, Шердор, Улуғбек, Тиллақори мадрасаларидан олган таассуротларимиз улкан бўлди.

Фахрийларимиз мустақиллик кунларига етганига шукроналар айтиб, халқимиз даҳоларини, улуғ аждодларимизни дунёга таништириш имкониятини яратган Президентимизга соғлиқ-омонлик, ватанимизга тинчлик, ободончилик тилаб дуолар қилиб, ўз хурсандчиликларини изҳор этдилар.

Зиёратчиларга «Мерседес» автобуси ажратган, сарф-харажат ва уларга зарур шароит яратиб берган Қибрай туман ҳокимлиги раҳбарларига, вилоят автобус парки раҳбари Зиёдулла Маҳмудовга, «Буроота» ширкат хўжалиги раҳбари Собит Абдуллаевга ва Челак тумани раҳбариятига фахрийларимиз номидан ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

■ **В. ШУКУРОВ, туман «Нуроний» жамғармаси раиси**

БАНК ВА ҲАЁТ

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ТАРАҚҚИЁТНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Мамлакатимиз раҳбариятининг бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш борасидаги катта саъй-ҳаракатлари натижасида кичик ва ўрта бизнес ривожланиб, Ўзбекистонда янги мулкдорлар синфи шаклланиб бормоқда. Бу синф вакиллари бугунги кунда янги иш ўринлари ташкил қилиш, истеъмол бозорини янги товар ва хизматлар билан тўлдиришда фаоллик кўрсатмоқдалар. Чунончи, Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил якунлари ва 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилишида кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик соҳасида муайян ижобий ўзгаришлар юз бераётганини таъкидлаб ўтдилар. Бунда, албатта, банкларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Марказий банкнинг кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашни ҳамда хорижий кредит линияларининг ўзлаштирилишини мувофиқлаштириш департаменти директори Йўлдошбой ЭРГАШЕВ ва Тижорат банкларига лицензиялар бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти директори Саъдулла АБДУЛЛАЕВнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган мақоласида гап шу хусусда боради.

Кичик бизнес бозор иқтисодиётига ўтишда муҳим ўрин тутар экан, у кўп жиҳатдан иқтисодий ўсиш суръатларини белгилаб, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини янада самарали тақсимлашга ёрдам беради. Кичик бизнесда ташкил этилган ҳар бир янги иш жойи йирик корхоналарда яратилганидан кўра камроқ харажатларни талаб қилади.

Маълумки, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири. Шу боис яқин икки-уч йил ичида кичик ва хусусий корхоналарнинг сонини икки бараварга кўпайтириб, ялпи ички маҳсулотда уларнинг улушини камида 25 фоизга етказиш лозимлиги белгиланган.

Ўтган давр мобайнида Марказий банк кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукуматимиз томонидан белгилаб берилган вазифаларни бажариш юзасидан бир қатор ижобий ишларни амалга оширди.

Хусусан, Марказий банкда Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича банк тизимидаги ишлар мониторинги ва таҳлили бошқармаси негизида Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашни ҳамда хорижий кредит линиялари ўзлаштирилишини мувофиқлаштириш департаменти ташкил этилди. Марказий банкнинг ҳудудий бошқармаларида ҳам мана шундай бўлимлар ташкил этилиб, улар хорижда ўқиб, ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиб қайтган малакали мутахассислар ҳамда етарли тажрибага эга бўлган ходимлар билан тўлдирилди.

Бундан ташқари, мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш мақсадида Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармаларида «ишонч телефонлари» ўрнатилган. Улар орқали ишбилармонларнинг билдирган фикр-мулоҳаза ва таклифлари ўрганиб чиқилиб, зарурий тўхтамларга келинмоқда. Марказий банк мутахассислари икки йилдирки, барча ҳудудларга чиқиб, тадбиркорлар билан бевосита мулоқотлар, семинар-кенгашлар ташкил этиб, уларни ўйланлантираётган масалалар бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириб бормоқда.

Ҳукумат иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида молия-банк тизими фаолиятини ҳар томонлама такомиллаштиришга катта эътибор қаратмоқда. Хусусан, Марказий банк тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни кучайтириш ҳамда тижорат банкларига банк операцияларини амалга оширишда кенгроқ эркинлик бериш мақсадида уларга кредит сиёсати йўналишлари, ички меъёрий ҳужжатларни мустақил равишда ишлаб чиқиш ҳуқуқини берди. Ўтган даврда тижорат банкларининг кредит операцияларини амалга оширишда етарли тажриба тўплаганини ҳисобга олиб, Марказий банк томонидан хорижий маслаҳатчилар билан биргаликда «Тижорат банкларининг кредит сиёсатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида» низом ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди.

Булардан ташқари, Марказий банк томонидан амалда бўлган 45 та меъёрий ҳужжат ва 115 та меъёрий ҳужжат тусидаги кўрсатмалар бекор қилиниб, банк операциялари, шу жумладан, кредит операцияларини амалга ошириш ва улар билан боғлиқ таваккалчиликни бошқариш тижорат банклари раҳбарияти томонидан мустақил ҳал қилиниши белгилаб қўйилди.

Энг муҳими, тадбиркорларга кредит бериш тартиби анча соддалаштирилиб, микрокредит олиш учун атиги учта ҳужжатни тақдим этиш лозимлиги белгиланди. Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун бошланғич маблағи ҳамда кредитни қайтариш таъминотига эга бўлмаган тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида кредитнинг қайтарилишини таъминлаш учун суғурта компаниясининг ёки тадбиркор яшаётган маҳалла қўмитасининг кафиллик хатини тақдим этиш амалиётга жорий этилди. Шунингдек, тадбиркорларнинг кредит ҳисобига сотиб олинадиган мол-мулкининг 80 фоизи миқдоридаги қиймати олинган кредит бўйича гаров сифатида қабул қилиниши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, тадбиркорларнинг кредит ажратиш бўйича мурожаатларини зудлик билан кўриб чиқиш, бунда ортиқча саргардонликка йўл қўймаслик учун кредит аризаларини кўриб чиқиш муддати 5 банк иш куни қилиб белгиланди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий ислоҳотлар шиддати кўп жиҳатдан, экспортга йўналтирилган товар ишлаб чиқариш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда иқтисодиётнинг реал секторида кечаётган таркибий ўзгаришларга боғлиқ.

Иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларидаги эркинлаштириш жараёни банк тизимини тубдан мустаҳкамлаш, тизимдаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, банкларнинг кредит бериш имкониятлари ва устав капиталини бўш маблағлар жалб қилиш ҳисобига кенгайтиришни талаб этади. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Банклар — инвестиция жараёнининг асосий бўғинига, корхоналарнинг чинакам ҳамкорига айланмоғи, бинобарин, уларнинг ривожланишидан манфаатдор бўлмоғи лозим».

Банк тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, тижорат банкларининг мустақиллигини ошириш ҳамда уларни инвестиция жараёнларининг фаол иштирокчиларига айлантириш Президентимизнинг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармонида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, унда ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик ва ўрта бизнес корхоналари, деҳқон-фермер хўжаликлари ва инновация лойиҳаларини имтиёзли тарзда кредитлаш учун тижорат банкларида махсус имтиёзли кредитлаш жамғармасини тузиш белгиланган эди.

Шу мақсадга ажратилган маблағлар миқдори 2001 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 1 апрелига келиб, мазкур жамғармага ажратилган маблағлар 8,1 млрд. сўмга етди ва ушбу маблағлар қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда тўлиғича инвестиция лойиҳаларини молиялашга йўналтирилди. Бу эса, тадбиркорларнинг ўз фаолиятларини бошлаш ва ривожлантиришлари учун кенг имкониятлар яратди.

Шу билан бирга, Фармонда тижорат банкларининг мазкур жамғарма ҳисобидан кредитлаш эвазига олган даромадлари имтиёзли кредитлаш жамғармасини кўпайтиришга йўналтирилган тақдирда солиқдан озод қилишдек рағбатлантириш механизми кўзда тутилган.

Бундан ташқари, ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлар ва деҳқон-фермер хўжаликларига ҳам қўшимча имтиёзлар яратиб берилмоқда. Хусусан, республикамизда нақд пул маблағларидан фойдаланиш бўйича айрим чекловлар босқичма-босқич бекор қилиб борилмоқда. Бу, айниқса, деҳқон-фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес субъектларига ўз фаолиятларини янада кенгайтиришларида кўмак бўлмоқда.

Ҳукумат қарорларида тижорат банкларига аҳолидан, деҳқон-фермер хўжаликларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилувчи тайёрлов ташкилотларига маҳсулот топширувчилар билан ҳисоб-китоб қилиш учун тузилган шартномаларда кўзда тутилган нархлар ва етказиб бериш муддатларига мувофиқ амалда харид қилинган маҳсулот ҳажмининг 100 фоизи миқдорида нақд пул маблағлари беришга рухсат берилди. Бу бир томондан деҳқон ва фермерлар меҳнатини рағбатлантирса, иккинчи томондан, шубҳасиз, бозордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархи пасайишига ҳамда қайта ишловчи корхоналар иш кўламининг кенгайишига олиб келади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Марказий банк томонидан кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш бўйича ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларда тадбиркорларнинг талаб ва истаклари эътиборга олинган. Жумладан, «Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш тартиби», «Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, якка тартибдаги тадбиркорларни барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби» ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Бугунги кунда тижорат банклари тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратишни мазкур меъёрий ҳужжатлар асосида олиб бормоқда.

Амалдаги тартибларга мувофиқ микрокредитлар хорижий ва миллий валютада 5000 АҚШ доллари эквивалентида ажратилиши мумкин. Ушбу микрокредитлар 3 йил муддатгача берилиши, шунингдек, уларнинг 50 фоизи нақд пулда берилиб, юридик шахс мақомига эга бўлган кичик ва ўрта бизнес субъектига 10 000 АҚШ доллари эквивалентида ажратиш амалиёти жорий қилинди.

Бугунги кунда тижорат банклари томонидан ўз маблағлари ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан мини технологиялар сотиб олиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан, чорва моллари, парранда, ем-хашак ва омухта ем, ветеринария дори-дармонлари, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари ва минерал ўғитларни сотиб олиш, хомашё ва материалларни бирламчи қайта ишлаш, бадиий ҳунармандчиликни ривожлантириш ва уй меҳнати (касаначилик)ни ташкил қилиш, сервис хизмати ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, туризм соҳасини ривожлантириш ва хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ бўлган бошқа тадбиркорлик фаолияти турларига микрокредитлар ажратиб келинмоқда.

1

Мазкур чора-тадбирлар шубҳасиз, янги иш жойлари ташкил этилишига, аҳолини иш билан таъминлаш даражасини оширишга, ялпи ички маҳсулотни кўпайтиришга, ички бозорни товарлар ва хизматлар билан тўлдиришга ҳамда импорт маҳсулотлар салмоғини камайтиришга олиб келади.

Ўтган давр мобайнида тадбиркорлик субъектларига кредит маблағларини ажратиш бўйича берилган имтиёзлар натижасида республикамизда қўшимча 193 мингдан ортиқ ишчи ўринлари ташкил этилди.

Хусусан, Марказий банк томонидан Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг «Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик ва ўрта бизнеснинг бошқа субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш мақсадида Тошкент вилоятида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Тошкент вилояти бўйича молиявий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган тадбиркорларни аниқлаш ва улар рўйхатини тузиш борасида ҳар бир тижорат банки, маҳаллий ҳокимият, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг туман бўлимлари билан ҳамкорликда чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мазкур қарорга асосан Молия вазирлиги, Марказий банк, «Пахтабанк», Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда 2000 йил 1 июлгача Тошкент вилоятининг камида 100 та фермер хўжалигининг ҳар бирига 10 минг АҚШ долларига тенг миқдоргача хорижий ёки миллий валютада микрокредитлар ажратилиши белгиланган эди. Ўтган давр мобайнида Тошкент вилоятидаги молиявий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган 605 та тадбиркор, деҳқон ва фермер хўжаликларига 720,8 млн. сўмлик кредитлар ажратилди. Шундан 481,8 млн. сўми микрокредитлар бўлиб, вилоятдаги 394 та деҳқон ва фермер хўжаликларига техника, қорамол, ем, минерал ўғитлар сотиб олиш учун берилди.

Бугунги кунда Тошкент вилоятида орттирилган тажриба бошқа вилоятларда ҳам кенг қўламда татбиқ этиб келинмоқда.

Шу билан бирга тадбиркорларга бухгалтерия ҳисобини юритиш, бизнес режа тузиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки кўрсатиладиган бозорни ўрганиш бўйича маркетинг тадқиқотларини ўтказишда малака оширилишини таъминлаш мақсадида Марказий банк томонидан барча тижорат банклари ҳамда тадбиркорлар иштирокида кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш тартиблари бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатларни амалиётда қўллашга бағишланган ўқув семинарлари ўтказилди. Бундай ўқув семинарлари Марказий банкда ва республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказилиб келинмоқда.

Бундан ташқари, Марказий банкнинг тавсияси билан тижорат банкларида кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида банклар ҳудудий бош бошқармаларида лойиҳаларни молиялаштириш бўйича махсус бўлимлар ташкил этилди.

Мазкур бошқармаларда тузилган бўлимлар тадбиркорларга, хўжалик юритувчи субъектларга асосан, лойиҳаларни танлашда маркетинг, инжиниринг ва консалтинг хизматлари кўрсатиш юзасидан тегишли ёрдам кўрсатиб, кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш юзасидан мақсадли тадбирларни амалга ошириб келмоқдалар.

Шунингдек, ҳукумат томонидан кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг ролини ошириш мақсадида уларга бир қатор имтиёзлар берилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Жумладан, банкларнинг бўш пул маблағларини юқори фоиз ставкалари асосида муддатли омонатларга жалб қилиши ҳамда ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини кредитлашга йўналтириладиган маблағларини кўпайтиришни рағбатлантириш мақсадида тижорат банкларининг Марказий банкдаги заҳираларидан омилкорлик билан фойдаланиш механизми ишлаб чиқилди, яъни тижорат банклари жисмоний шахсларнинг омонатлари ҳисобидан Марказий банкдаги заҳираларга ажратмалар ўтказишдан тўлиқ озод қилиндилар. Шу билан бирга ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик ва ўрта корхоналарга йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми банк активлари миқдоридан 20 фоизга ортган тақдирда шу миқдордаги заҳираларни банкларга қайтариб бериш амалиёти жорий этилди.

Шунингдек, тижорат банкларининг имтиёзли жамғарма фонди ҳисобидан хусусий тадбиркорларга берилган кредитлари бўйича олаётган даромадлари ушбу фондни кўпайтиришга йўналтирилган тақдирда 5 йил муддатга даромад солиғидан озод қилиниши белгилаб қўйилди.

Аҳоли ва тадбиркорлар учун банклар фаолияти, уларнинг депозитлари ҳамда кредитларга доир фоиз ставкалари тўғрисидаги маълумотлар муҳим аҳамиятга эга. Чунки мавжуд маълумотлар асосида жисмоний ва юридик шахслар кўпроқ даромад олишда бўш пул маблағларини қўйиш ёки ўз фаолиятини кенгайтириш учун кредитлар олишда банкни танлашлари мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорига мувофиқ тижорат банклари эндиликда оммавий ахборот воситаларида турли омонатларга доир фоиз ставкаларини, шунингдек, берилаётган кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкаларини мунтазам равишда эълон қилиб бормоқдалар. Бундай тадбирлар банклар фаолиятининг очиқ-ойдинлигини таъминлаб, мижозлар билан шеригчилик муносабатлари ҳамда молиявий бозорда соғлом рақобат муҳитини яратишда кутилган самарани бермоқда.

Яратилган аниқ чора-тадбирлар натижасида тижорат банклари томонидан ўз маблағлари ҳисобидан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун ажратган кредитларининг миқдори 2000 йил 1 январь ҳолатига 17,5 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг 1 май ҳолатига келиб 146,6 млрд. сўмга ёки 89,3 фоизга ортиб 164,1 млрд. сўмга етди.

Шу жумладан, кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг 232,1 млн. АҚШ долларини тижорат банклари томонидан чет эл валютасида берилган кредитлар ташкил этади.

Тижорат банклари томонидан хорижий валютада берилаётган кредитлар, асосан экспортбоп товарлар ишлаб чиқариш ҳамда халқ хўжалигининг бошқа устувор соҳаларини ривожлантириш учун йўналтирилмоқда.

Шу билан бирга, тижорат банклари томонидан ажратилаётган қисқа муддатли кредитлар корхоналарнинг ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ажратилган бўлса, узоқ муддатли кредитлар фермер хўжаликларининг чорва моллари сонини оширишга, технологик линияларни янгилаш, замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиш ёки ишлаб чиқариш иншоотларини қуришга йўналтирилмоқда.

Ажратилган кредитлар натижасида республикамизда автомобиль эҳтиёт қисмлари, халқ истеъмоли моллари ва бошқа кундалик эҳтиёж учун зарур товарлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Буни банклар мисолида кўрадиган бўлсак, «Пахтабанк» томонидан 2000 йил давомида ўз маблағлари ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан 7,5 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган. Натижада жойларда 10 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилган. 2001 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра банкнинг кичик ва ўрта тадбиркорларга ажратган кредитлари миқдори 9,7 млрд. сўмдан ортиб, янгидан ташкил этилган иш ўринлари сони 21,5 мингни ташкил этмоқда.

«Пахтабанк»нинг Самарқанд вилоят бўлими томонидан «Ориён Парранда» фермер хўжалигига 2000 йил давомида 70 млн. сўм миқдорида кредит ажратилган эди. Натижада 217 киши иш билан таъминланиб, 5,8 млн. дона тухум, 31 тонна парранда гўшти ишлаб чиқарилди. Фермер хўжалигининг ўтган хўжалик йилида олган фойдаси 46,7 млн. сўмни ташкил этди.

Яна бир мисол. «Пахтабанк»нинг Фарғона вилояти бўлими томонидан «КАМРАХ» фермер хўжалигига 45 млн. сўм миқдоридаги кредит ажратилиши натижасида фермер хўжалиги йирик чорвачилик комплексига айлантирилди. Ажратилган кредит туфайли фермер хўжалигида қўшимча 48 та ишчи ўрни ташкил этилиб, ўтган йили бу хўжалик томонидан 150 тонна гўшт, 70 тоннадан ортиқ сут маҳсулотлари тайёрланиб, аҳолига арзон баҳоларда сотилган.

«Ўзуйжойжамғармабанк» томонидан ажратилган кредитлар миқдори ўтган йили 1,24 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига келиб, бу миқдор 4,33 млрд. сўмни ташкил этди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун ажратилаётган кредитлар республикада истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда. Мисол учун, Тошкент шаҳридаги «Олтин тока қўшув» масъулияти чекланган жамиятига 3 йил муддатга 4,1 млн. сўм кредит табиий шарбатлар ишлаб чиқариш ва Олмалиқ шаҳридаги «Олма и К» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасига 10 млн. сўм кредит оловга чидамли ғишт ишлаб чиқариш ускуналарини сотиб олиш учун ажратилган эди. Ўтган даврда мазкур корхоналар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, берилган кредитлар босқичма-босқич қайтарилмоқда.

Республикамизнинг йирик инвестицион «Саноатқурилишбанк»и ҳам ўз фаолиятида кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашда жонбозлик кўрсатмоқда. Банкнинг бу соҳага ажратган кредитлари миқдори ўтган йилга нисбатан 94 фоизга ошиб, 2001 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра 6,6 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Хусусан, банк Тошкент шаҳридаги «Зангу» фирмасига ўтган йили «БелАЗ» русумли оғир юк ташувчи автотранспорт сотиб олиш учун қисқа муддатга 40 млн. сўм кредит ажратган. Натижада фирма томонидан 2,5 млн. сўмдан ортиқ фойда кўрилган.

Бундан ташқари, банкнинг Самарқанд вилоят филиали томонидан «Вазир-Д» хусусий фирмасига Болгарияннинг «VENO» корхонасидан колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускуналарини сотиб олиш учун 8,5 млн. сўмлик кредит берилган. Бугунги кунда мазкур корхона томонидан кунига 500 кг. колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

«Заминбанк» томонидан «Абдуллохон-А» хусусий фирмасига тикувчилик асбоб-ускуналари сотиб олиш учун уч йил муддатга 2 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилган эди. Ажратилган кредитдан оқилона фойдаланиши натижасида фирмада 18 та янги иш ўрни ташкил этилиб, шу йилнинг 1 майигача фирма томонидан 700 минг сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилган.

«Ғаллабанк»нинг Бухоро вилоят бўлими томонидан «Макма» масъулияти чекланган жамиятга макарон ишлаб чиқариш линиясини сотиб олиш учун 2,7 млн. сўм миқдорида микрокредит ажратилган бўлиб, ҳозирги пайтда мазкур жамият томонидан макарон ишлаб чиқариш линияси тўлиқ ишга туширилган. Маҳсулот нафақат вилоят, балки республиканинг бошқа вилоятлари аҳолисига ҳам етказиб берилмоқда.

Банкнинг Сирдарё вилоят филиали томонидан «Илҳом» фермер хўжалигига чорвачиликни ривожлантириш мақсадида 15 фоизлик устама билан 2 млн. сўм микрокредит ажратилган. Натижада фермер хўжалигида қўшимча 6 та иш ўрни яратилган. Фермер хўжалиги олинган кредитнинг ҳар бир сўмидан 48 тийиндан фойда олишга эришган.

Банк ўтган йилнинг июнь ойида «Кушон» масъулияти чекланган жамиятига Польшадан шифобахш маъданли сувни қадоқлаш технологиясини сотиб олиш мақсадида 9,0 млн. сўм кредит ажратган. Жамиятда ишлаб чиқариш самарали ташкил этилгани боис 15 та ишчи ўрни ва 10 та ёрдамчи ишчи ўринлари ташкил этилган. Жамият томонидан ўтган йил якунлари бўйича 936 минг дона маҳсулот ишлаб чиқарилиб, йил якунлари бўйича 18,8 млн. сўм соф фойда олинган, яъни 1 сўмлик кредит ҳисобидан 2,08 сўмлик фойда олинган. Эътиборли томони шундаки, мазкур жамиятда меҳнат қилаётганларнинг 56 фоизини ногиронлар ташкил этади. Жамият айни пайтда Фарғона водийсида жойлашган «Чортоқ», «Чимён», «Косонсой», «Шаханд», «Гулшан» ва «Ниҳол» дам олиш масканларини шифобахш маъданли сув билан таъминлаб келмоқда. Шунингдек, мазкур банкнинг Хоразм вилоятидаги филиали Урганч туманида жойлашган «Ипак» ишлаб чиқариш фирмасига ип ишлаб чиқариш учун 3 йил муддатга 5 млн. сўм миқдорида ажратган кредити ҳисобига хом ипакни қайта ишлайдиган цех ишга туширилган ва 37 нафар қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланган. Фирма томонидан 2000 йил давомида 39,9 млн. сўм миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарилган.

«Тадбиркорбанк»нинг Ғиждувон бўлими томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун «Тарнавут» фермер хўжалигига 15 млн. сўм кредит берилган бўлиб, мазкур кредит ҳисобидан хўжаликдаги мавжуд иссиқхона таъмирланган ҳамда 16,3 млн. сўмлик мева-сабзавотлар етиштирилиб, аҳолига сотилган. Ўтган йил якунлари бўйича фермер хўжалиги томонидан олинган соф фойда 1,7 млн. сўмни ташкил этган.

Яна бир мисол: Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан «Афросиёб-мармар» хусусий корхонасига 2,7 млн. АҚШ доллари миқдорида узоқ муддатли кредит ажратилган бўлиб, бу маблағга хорижий технология харид қилинган. Корхона 80 фоиз қувват билан ишлаб, ўтган йили 94,1 минг АҚШ доллари миқдоридаги тайёр маҳсулотни хорижий давлатларга экспорт қилишга эришган.

Ўзбек-Турк қўшма банкининг «Чарм тайёрлов» масъулияти чекланган жамиятига ажратилган 75 млн. сўмлик кредит ҳисобига корхонада томат пастаси ва консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Тайёрланган маҳсулот айни пайтда нафақат ички бозорда, балки Россия ва бошқа МДҲ давлатларида ҳам ўз харидорларига эга.

3

Тижорат банклари хусусий тадбиркорларга кредит ажратиш масаласига ҳам алоҳида эътибор бериб келмоқдалар.

Жумладан, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки хусусий тадбиркор З. Шариповага ўтган йилнинг октябрь ойида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши учун 1,5 млн. сўм миқдорида кредит ажратган. Тадбиркор аёл бугунги кунда тиббиёт ходимлари учун халатлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, ўтган давр мобайнида банкка 1,4 млн. сўм миқдорида нақд пул топширган.

Ёки бошқа бир мисол. Мазкур банк томонидан хусусий тадбиркор И. Абдиевага чорвачиликни ривожлантириш учун 1 млн. сўм миқдорида микрокредит берилган. Кредит ҳисобига тадбиркор томонидан 6 бош қорамол сотиб олинган. Тадбиркор ўтган йил якуни бўйича гўшт ва сут маҳсулотлари етиштириш эвазига 0,4 млн. сўм даромад олган.

«Асакабанк» томонидан хусусий тадбиркор О.Иминжоновга шу йилнинг бошида 1 млн. сўм кредит берилган бўлиб, тадбиркор кредит маблағларига тикув машиналари харид қилган ва бугунги кунга қадар 1,1 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган.

Албатта, бундай мисолларни бошқа тижорат банклари фаолиятидан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Хорижий кредит линиялари илгари фақат Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва «Асакабанк» орқали жалб қилинган бўлса, бугунги кунда «Ўзсаноатқурилишбанк», «Пахтабанк», «Ўзуйжойжамғармабанк», «Приватбанк», «Ипак йўли» банки, «Парвинабанк», «АБН Амро банк МБ Ўзбекистон ҲЖ» ва «Ҳамкорбанк»лар ҳам хорижий сармояни республикамиз иқтисодиётига жалб этишда фаоллик кўрсатмоқдалар.

Бугунги кунда тижорат банклари томонидан хорижий кредит линиялари бўйича 371 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағлар жалб қилинди.

Хусусан, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг 180 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, «Асакабанк», «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Пахтабанк» томонидан, Осиё ривожланиш банкининг 50 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан, Халқаро молия корпорациясининг 25 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва «Асакабанк» томонидан, КфВ банкининг 15 млн. евро миқдоридаги кредит линияси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан ва мазкур банкнинг 15 млн. немис маркаси миқдоридаги кредит линияси «Ўзприватбанк» ва «Ипак йўли» банки томонидан жалб қилинган кредитлари бугунги кунда ўзлаштирилмоқда.

Жумладан, айни пайтда озиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи «Оқсув» фермер хўжалигига 212 минг АҚШ доллари («Тадбиркорбанк»), мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи «Ражаб момо» фермер хўжалигига 288 минг евро («Пахтабанк») миқдорида кредитлар берилди. «Пахтабанк»нинг Қашқадарё вилоят филиали томонидан «Қиёт» хусусий фирмасига Германиянинг КфВ банки кредит линияси орқали арпани қайта ишловчи мини завод сотиб олиш учун 517 355 немис маркасида кредит ажратилган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу завод тўлиқ ишга туширилган ва 28 та янги иш ўрни ташкил этилган.

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан «Садаф» хусусий кичик корхонасига стомотологик асбоб-ускуналар сотиб олиш учун ўтган йили 10 минг АҚШ долларида микрокредит ажратилган. Кредит ҳисобига корхона томонидан «CHRAEST LTD» фирмасидан стомотологик асбоб-ускуналар сотиб олиниб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Корхона 2000 йил якунига кўра, 3,3 млн. сўм миқдорида соф фойда олган. Шунингдек, мазкур банк томонидан «Носир ота-97» фермер хўжалигига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйиш мақсадида Исроилдан иссиқхоналарни томчилатиб суғориш ирригация ускунасини сотиб олиши учун 1,5 йил муддатга 10 минг АҚШ доллари миқдорида микрокредит ажратган. Фермер хўжалиги ўтган йилнинг ўзида 2 млн. сўм миқдорида соф фойда олган.

Юқорида айтганимиздек, тижорат банклари бугунги кунда хорижий молия муассасаларининг кредит линияларини республикамиз иқтисодиётига жалб этишда фаоллик кўрсатмоқда. Ҳозирги пайтда бир қанча банкларимиз кредит линияларини очиш бўйича хориж молия муассасалари билан музокаралар олиб бормоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ривожланган мамлакатларнинг банк тизими азалдан хусусий сармоя асосида таркиб топган. Ҳозирги пайтда ҳам хорижда омонатчилар, кичик ва ўрта бизнес субъектларига хизмат кўрсатиш асосан унча катта бўлмаган хусусий банклар ҳиссасига тўғри келади.

Хусусий банклар иқтисодиётга хусусий сармояларни жалб этиш орқали самарадорлиги юқори, илғор инвестиция лойиҳаларига йўналтирилаётган маблағларнинг кўпайишига, кичик ва ўрта тадбикорларга банк хизмати кўрсатиш савиясининг ошишига, мижозларга турли хизматлар кўрсатиш туфайли банклар ўртасида рақобат муҳитининг юзага келиши ҳамда янги турдаги банк инструментларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда республикамизда фаолият юритаётган банкларнинг 50 фоизи хусусий сармоя иштирокида ташкил этилган банклардир.

Республикамизда хусусий мулк асосида банклар ташкил этилиши ўз навбатида, кредит, ҳисоб-китоб ва банк хизматлари бозорида соғлом рақобат муносабатлари шаклланиб бораётгани ва банклар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати янги босқичга ўтаётганидан далолат беради.

Бугунги кунда тадбиркорлар ўзларига ниҳоятда қулай бўлган «Банк — мижоз» дастурий тизимидан кенг фойдаланмоқда. Бу тизимга боғланган мижозлар ўз офисларида турган ҳолда компьютер ва электрон алоқа тизими орқали тўловларни амалга оширмоқдалар, натижада ўзларининг вақт ва маблағларини тежаш имкониятига эга бўлганлар.

Шунингдек, қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, деҳқон-фермер хўжаликларига банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш ҳамда шаҳар марказларидан узоқ масофада жойлашган иш одамларига қулайликлар яратиш мақсадида тижорат банклари ўзларининг 300 дан ортиқ мини-банкларини ташкил этди.

Шуни афсус билан қайд этиш лозимки, орамизда ҳозирга қадар ҳукуматимиз томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш масаласига етарли эътибор бермаган, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қиладиган ёки улар билан ҳамжиҳатликда иш олиб бормайдиган тижорат банклари ходимларига нисбатан қаттиқ чоралар кўриб бораверади.

Бир сўз билан айтганда, банкларни инвестиция жараёнининг асосий бўғинига, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг чинакам ҳамкорига айланиши, шак-шубҳасиз, республикамиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ҳамда халқаро майдондаги мавқеининг юксалиб боришига хизмат қилади. Бундан ташқари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва республикамиз экспорт салоҳиятини оширишга ёрдам беради. Охир-оқибатда иқтисодиёт барқарорлашиб, халқимиз турмуш фаровонлиги таъминланади.

4

ДИҚҚАТ: САВОЛ-ЖАВОБ ЎЙИНИ

«СИЗ ШВЕЙЦАРИЯ ҲАҚИДА НИМАЛАР БИЛАСИЗ?»

Бу ўлка ҳақидаги билимларимиз қанчалик чуқур бўлишига қарамай, бу ўлканинг рамзий белгиси ҳисобланган банклар, соатлар ва пишлоқнинг бир қанча турларидан ташқари яна нималарни билишимиз мумкин?

Кейинги йилларда Ўзбекистондаги олий ўқув юртларида «Швейцария кунлари»ни ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Ўтган йили ўз иштирокчиларига қувонч онларини тақдим этган мана шундай байрам Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб ўтди. Анжуман немис, француз ва итальян тилини ўрганувчи талабалар, шу билан бирга университетнинг ўқитувчиларини ўзига жалб этди. Тадбирнинг ташкилотчиси сифатида Швейцариянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Пьер Хжановски маросимни очар экан, ўтказилаётган «Швейцария кунлари»нинг мақсади икки давлат ўртасидаги алоқалар ривожи, шунингдек, Ўзбекистон ёшларини Европа давлатлари билан таништириш эканлигини таъкидлаб ўтди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, байрамни ташкил этиш ва уни ўтказишда талабалар фаол қатнашди. Улар шеър ҳам ўқишди, қўшиқ ҳам куйлашди ва муаллифларнинг Швейцария тарихи, унинг бугунги ҳаёти ҳақидаги асарларидан саҳна кўринишлари ижро этишди.

Кўп йиллардан бери ўзбек халқининг рақс санъати билан қизиқиб, уни ўрганиб келаётган швейцариялик раққоса Катя Хиллебранд ижросидаги рақс дастури байрам кўркига кўрк қўшди. У рақс санъатини Тошкент хореография ўқув юртида ўрганган. Ҳозирги пайтда Катя Ўзбекистонга тез-тез ташриф буюриб, ўз рақс дастурини кўпчиликка намойиш этмоқда.

«Ўзбекистон — Швейцария» дўстлик жамияти Швейцариянинг «Конфедерация куни»га бағишланган тадбирни анъанавий равишда нишонлаб келмоқда. Мазкур жамият Ўзбекистон ва Швейцария ўртасида дўстлик, маданий-маърифий алоқалар ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш мақсадида 1999 йил апрель ойида ташкил қилинган. Жамият аъзолигига фан, санъат, маданият арбоблари, республика давлат ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари ҳамда бир қатор Швейцария фирмалари ваколатхоналари ва Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхоналарининг раҳбарлари жалб этилган.

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган швейцарияликлар ва Швейцария ўзбек халқининг маданияти, анъаналари билан яқиндан таништириш мақсадида жамият уларнинг «Оналар ва болалар» йили ҳамда «Наврўз» байрамига бағишлаб маҳаллаларда ўтказилган тадбирларда иштирокини амалга оширди. Ҳозирги вақтда «Ўзбекистон — Швейцария» дўстлик жамияти оилалар алмашуви дастури устида қизғин фаолият бошлади. Шу билан бирга «Швейцариялик дўстлар» клубини ташкил этиш борасида ҳам иш олиб бормоқда. Бунда Швейцариянинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхоналарининг маҳсулотлари, фонотека, миллий либослар, миллий эстрада ва фольклор мусиқалари ёзилган кассеталар, миллий асбоб-анжомлар, қолаверса, халқ амалий санъати намуналари, фирмаларнинг реклама лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Кутубхона ҳам ташкил этилади. Кутубхона ва клубнинг турли экспонатларини ташкил этишда Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлик қилиш тўғрисида ўз розилигини билдирди.

Клуб қошида Швейцариянинг ташкилотлар ва индивидуал шахслар билан санъат, маданият ва тадбиркорлик соҳасида ҳамкорлик қилишни хоҳловчилар учун маълумотлар беришга йўналтирилган бўлим очиш назарда тутилган. Худди шу ерда швейцариялик ҳамкорларнинг почта ва Интернет бўйича манзилини олиш мумкин.

Молиявий аҳволни мустаҳкамлаш мақсадида жамият қошида 1999 йили «SPARK» шўъба корхонаси ташкил қилинди. Унинг фаолияти асосан халқ дипломатиясини ривожлантириш бўлиб, туризмни ҳам ўз ичига олади. «SPARK» шўъба корхонаси хорижнинг 20 га яқин сайёҳлик агентликлари билан алоқа ўрнатган. Хорижлик сайёҳларга Буюк Ипак йўли бўйлаб Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарларига саёҳатлар уюштириш таклиф этилади.

Шунингдек, ўзбекистонликлар Швейцария, Греция, Эрон, Туркия, Россия ва бошқа давлатларга саёҳат қилишлари мумкин. Бундан ташқари, талаба ва мактаб ўқувчиларининг маориф соҳасида алмашув лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилмоқда. Шу билан биргаликда чет тилини ўрганаётганлар билим даражасини мустаҳкамлаш учун хорижга боришини йўлга қўйиш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон — Швейцария дўстлик жамияти Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда «Сиз Швейцария ҳақида нималар биласиз?» мавзуидаги викторинани ўтказаяпти. Мазкур викторина шу йил 7 июндан 12 июлгача ўтказилади ва 19 июль куни саволларнинг тўғри жавоблари, 26 июлда эса ғолиблар эълон қилинади. Викторина ғолибларига совринлар Швейцариянинг «Конфедерация куни»га бағишланган тадбирда тақдим этилади. Викторинанинг асосий ҳомийлари:

1. «Ciba махсус кимёвий маҳсулотлари» фирмасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. **Соврин — «Самсунг» фирмасида ишлаб чиқарилган фотоаппарат, плёнкалари билан.**

2. «Ўзбекистон почтаси» ДАК. **Соврин — «PANASONIC» телефони, «Caller ID System» билан «Rowenta» фирмаси ишлаб чиқарган дазмол.**

3. Алексей Назаров номидаги тиббий марказ. **Соврин — Шейпинг ва бошқа машғулотлар учун ойлик рухсатнома.**

4. «Nestle» корпорациясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. **5 та рағбатлантирувчи соврин — Nescafe савдо белгиси туширилган кружка ва соатлар.**

5. Маълумотлар тарқатиш бўйича ҳомий: **«Ўзбекистон овози» ва «Пресстиж» газеталари ҳамда «Гранд» радиоси.**

Викторина шартлари:

Тўғри жавобларнинг тагига чизиб, купонни тўлдиринг ва эълон қилинган кундан бошлаб 7 кун давомида конвертни почта орқали жўнатиб юборинг (жавобнинг юборилган куни штемпель билан кўрсатилган бўлиши керак).

Белгиланган муддатгача юборилмаган жавоблар ҳисобга олинмайди.

Жавобларингизни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:
700027, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 49-«а» уй.

«Ўзбекистон — Швейцария» дўстлик жамияти

КУПОН

Ф. И. Ш.: _____

_____

Манзил _____

_____

САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР:

1. Швейцариянинг умумий майдони қанча?
а) 38114 км. б) 41290 км. в) 44203 км.

2. Швейцария ахолисининг сони қанча?
а) 7100000 б) 11800000 в) 13400000

3. Швейцария билан чегарадош давлатлар сонини айтинг?
а) 3 б) 4 в) 5

4. Швейцарияда нечта кантон бор?
а) 25 б) 26 в) 27

5. Швейцарияда нечта расмий тил бор?
а) француз, немис б) француз, итальян, немис
в) француз, итальян, немис, ретророман.

6. Швейцарияда қайси дин расмий ҳисобланади?
а) протестант б) католик в) бирор бир дин расмидан олинмаган.

«КУВАМЕБЕЛЬ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Қувамебель» очиқ акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши шуни маълум қиладики, навбатдаги умумий йиғилиш жамиятнинг 2000 йилги ҳисобот мажлисини ўтказишдан иборат бўлади. «Қувамебель» очиқ акциядорлик жамияти клубида ўтказиладиган мажлис 2001 йил 4 июль соат 8.00 да уюштирилади.

Мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар 2001 йил 4 июль соат 6.00 да рўйхатдан ўтадилар.

УМУМИЙ МАЖЛИС КУН ТАРТИБИГА КИРИТИЛГАН МАСАЛАЛАР:

- *«Қувамебель» очиқ акциядорлик жамиятининг 2000 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқарув раисининг ҳисоботи.*
- *Жамиятнинг 2000 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.*
- *Жамиятнинг 2000 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.*
- *Жамиятнинг 2000 йил молиявий ва хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.*
- *Жамиятнинг 2001 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.*
- *Ташкилий масала.*

ЖАМИЯТНИНГ МАНЗИЛГОҲИ:
Фарғона вилояти, Қува тумани, Қайқубод кўчаси, 61-уй.
Тел.: 5-38-66, 5-43-41.

ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

ТАКСИЧИЛАРГА ҒОЯ МАЪҚУЛ ТУШДИ

Светофорни бутун дунё халқлари бирдек қабул қилган ва барча мамлакатларда унинг учта чироғи бор. Унга амал қилиш тартиби ҳам бир хил. Бироқ кейинги пайтларда тараққиёт ривожланганлиги сари вақтни тежайдиганлар кўпайиб бормоқда. Ақалли светофорнинг бир оз муддат ёниб-ўчадиган шу сариқ чироғига ҳам тоқат қилолмайдиганлар чиқаётганига нима дейсиз? Нима эмиш — светофорнинг сариқ чироғи йўл ҳаракатини мураккаблаштирармиш. Унга амал қилиш вақтни бекорга совуришдан бошқа нарса эмасмиш. Бу фикрларни ким айтганини биласизми? Кимсан, Истанбул туманларидан бирининг раҳбари Юксел Айхан шундай деяпти. У йўл ҳаракатининг жорий қоидаларига ўзгартиришлар киритилиши, чорраҳада ҳаракат фақат қизил ва яшил чироғи бўлган светофор ёрдамида тартибга солиниши лозимлигини уқтирмоқда.

Буни қарангки, Ю.Айханнинг гапларини маъқуллайдиганлар ҳам тезда топила қолди. Булар Истанбул таксичиларидир. Уларнинг ҳатто чорраҳада машина тиқини пайдо бўлишига ҳам шу светофор сабаб, деган гапларига нима дейсиз? Бундан ташқари яна бир-икки белги бекор қилиниши лозимлигини таъкидлашмоқда.

Лекин ҳайдовчиларнинг бундай фикрлашига сабаб бошқа ёқда экан. Статистик маълумотларга қараганда, 10 миллион турк ҳайдовчисидан атиги 50 мингга яқини йўл белгиларига тушунаркан, холос. Шунинг учун бўлса керак, ҳайдовчиларнинг 7 миллионга яқини йўл ҳаракати қоидаларини доимий равишда бузади.



ШИППАК КИМНИКИ?

Суратда кўриб турганингиз — улкан шиппак Ҳиндистоннинг Агра шаҳридаги кўргазмада намойиш қилинмоқда. Унинг узунлиги 4 метр, оғирлиги эса 45 кило.

Шиппак муаллифи, этикдўзлар сулоласидан бўлмиш Абдул Рашид Варсидир. У шогирдлари билан роса уч ой деганда тикиб тугатди ва энди «Гиннеснинг рекордлар китоби»га номини киритиш учун даъвогарлик қилмоқда.

«ДЕНГИЗ ЖАНГИ» — ЯНГИ ЛОТЕРЕЯ

Республикамизда кейинги пайтларда кўпгина лотереялар ўйналмоқда. Мана энди тез орада «Денгиз жанги» деб аталган яна бир лотерея улар сафидан ўрин олади. Бу ўйин кўпчилигимизни болалик даврига етаклайди.

«Денгиз жанги» 64 катакдан иборат, унда тўртта бир катакли кемача ва тўртта икки катакли кемача жойлашган. Ўйин давомида чиққан координатлар лотерея чиптаси майдонидаги кемача катаги билан тўғри келса, унда бу кемача йўқ қилинган бўлади. Биринчи турда кимда-ким ҳаммадан олдин ана шу тўртта бир катакли кемачани ёки барча тўртта икки катакли кемачани йўқ қилса, у ғолиб бўлади. Иккинчи турда эса лотерея чиптасидаги мавжуд барча кемачалар ҳаммадан олдин йўқ қилинган чипта ютган ҳисобланади. Учинчи турда эса иккинчи тур қоидалари амал қилади. Лекин бунда иккинчи турда ютган чипталар қатнашмайди. Учинчи тур кичик турчалардан иборат бўлиб бирин-кетин ўтказилади. У ўйин ютуқ жамғармаси буткул тугагунга қадар давом этади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси ва «Бахтингни синаб кўр» ёпиқ акциядорлик жамияти «Денгиз жанги» пул-буюм телевизион лотереясининг таъсисчиларидир. Таъсисчиларнинг лотереяни ўтказишдан мақсади аҳолининг фаол дам олишини ташкил этишга қаратилган.

«Олтин мерос» хайрия жамғармаси ижрочи директори Улуғбек Бўтаевнинг таъкидлашича, лотереядан тушган маблағдан бир қисми маданий меросларимизни тиклаш учун сарфланади. «Бахтингни синаб кўр» бош директори Фурқат Харратов янги ўйин аҳолининг яхши ҳордиқ чиқаришига хизмат қилишини билдирди. Дарвоқе, «Денгиз жанги»нинг илк ўйини 24 июнь куни соат 18.00 да «Ёшлар» телеканали орқали намойиш этилади. Агар омадингизни синаб кўриш билан бирга мазмунли дам олай десангиз, чипталар олишга шошилинг! Айтгандай, «Денгиз жанги»нинг биринчи турида Анталия (Туркия)га сайёҳлик йўлланмаси, иккинчи турда эса «Нексия» автомобили ўйналади.

■ Алишер РЎЗИЕВ

«Ўзкоммунмаштаъминот» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси «O'zkommunmashta'minot» очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилганлиги ва «O'zkommunmashta'minot» ОАЖ барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича «Ўзкоммунмаштаъминот» республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланиши тўғрисида хабар киламиз.

«O'ZKOMMUNMASHTA'MINOT» очиқ акциядорлик жамиятининг ЭМИССИЯ РИСОЛАСИ

I. ЭМИТЕНТНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ.

1. Тўлиқ ва қисқартирилган номи:
«O'ZKOMMUNMASHTA'MINOT» очиқ акциядорлик жамияти —
«O'ZKOMMUNMASHTA'MINOT» OAJ.

2. Ҳуқуқий манзили: 700035 Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй.

3. Эмитентнинг давлат рўйхатдан ўтказилган тартиб рақами ва санаси:
Тошкент шаҳри, Юнусобод туман ҳокимлигининг 2001 йил 22 майдаги 852-сонли қарори.

4. Ташкилий ва ҳуқуқий шакли: очиқ акциядорлик жамияти.

5. Таркибига эмитент кирадиган вазирлик (бирлашма, уюшма, концерн ва бошқалар): Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги.

6. Эмитент ҳисоб-китоб (жорий) ва бошқа ҳисоб-китоб рақамлари, хизмат кўрсатувчи банк муассасаси номи ва реквизитлари: х/р: 20210000400118012001 Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки Марказий амалиёт бўлими МФО 00882 Тошкент шаҳри, INN 201123971.

II АКЦИЯЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ТАРТИБИ.

1. Бошланғич маълумотлар:
а) Устав жамғармаси — 125262 минг сўм;
б) битта акциянинг номинал қиймати — 1000 сўм;
в) акцияларнинг умумий сони — 125262 дона.

2. Меҳнат жамоасининг улуши бўлган эгаси ёзилган оддий акциялар:
а) акциялар улуши — 10 фоиз;
б) акциялар суммаси — 12526 минг сўм;
в) акциялар сони — 12526 дона.

3. Давлат улуши бўлган эгаси ёзилган оддий акциялар:
а) акциялар улуши — 25 фоиз;
б) акциялар суммаси — 31315 минг сўм;
в) акциялар сони — 31315 дона.

4. Эркин савдо улуши учун ажратилган эгаси ёзилган оддий акциялар:
а) акциялар улуши — 40 фоиз;
б) акциялар суммаси — 50105 минг сўм;
в) акциялар сони — 50105 дона.

5. Чет эл инвесторлари улуши учун ажратилган эгаси ёзилган оддий акциялар:
а) акциялар улуши — 25 фоиз;
б) акциялар суммаси — 31316 минг сўм;
в) акциялар сони — 31316 дона.

6. Акцияларни чиқариш формаси:
100 фоиз нақдсиз, электрон ёзувларда Марказий ва иккинчи даражали депозитарийда сақланадиган ҳолда.

Бўстонлиқ туманидаги 18-ўрта мактаб томонидан 1997 йилда Эргашев Бахтиёр Рихсибоевич номига берилган ОР—А 001225 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Россиядаги «Техмашимпэкс» МЧЖнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси жамоаси Ҳаким Эшбоевич Бердиевга онаси **ТОШЖАМОЛ момо**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Sulaymon HAYDAROV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 2002

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA